

## Байрам табриги

Байрам қалбларни туташтирувчи, хурсандчилик онларини улашувчи ижтимоий ҳодиса. Фасллар келинчаги Баҳор бир неча мафтункор байрамлари билан характерланади.

Келаётган 8-март халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан “Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факултети профессор ўқитувчилари Исломов Ўткир, Ҳикматуллаев Санжар ва Тураев Фозил “Республика ихтисослашган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали”га ташриф буюришди.

Ташрифдан мақсад аёллар куни муносабати билан институтимиз номидан бемор аёлларни кўнглини кўтариш эди. Мақсад тўла амалга ошди.

Ташриф чоғида “Республика ихтисослашган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали” ходимлари хурсанд бўлишди.



**“Геодезия ва геоинформатика” кафедраси ўқитувчиси Ўткир Исломов ахбороти**  
**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**